

2001 йил — оналар ва болалар йили



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 8 декабр жума
Сотувда эркин нархда
№ 247 (2544)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Бугун —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
куни.
Байрамингиз
муборак!



Ўзбекистон Президенти Исло Каримов XXI асрнинг биринчи йилини мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилди

“Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соелом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур”, деди давлатимиз раҳбари 7 декабр куни Тошкентдаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида.

Исло Каримов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тўхта-лар экан, Бош қомус фуқарола-римизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда асосий мезон эканини таъ-кидлади.

Ҳақиқатан, ҳар бир мустақил ва демократик давлатда Конституция одамларнинг бош ҳимоячиси са-налади. У фуқароларни ҳар қан-дай ташқи ва ички таҳдидлардан, қонунбузарликлардан, адолатсиз-ликлардан асрайди, уларнинг тинч ва фаровон яшашини учун асо-с бўлиб хизмат қилади.

Ўтган саккиз йил Ўзбекистон Конституцияси халқ манфаатлари-ни ҳимоя этишга қодир, демокра-тик тамойилларга тўла жавоб бе-рувчи адолатли қонун ҳужжати эканини тўла исботлади. Халқимизга ер ва мулкни қайтарган, тадбир-корлик ва бизнес учун кенг йўл очган, сўнгги йилларда мамлака-тимиз тинчлигига тажовуз қилган турли террорчилик қаракатлардан одамларни ҳимоя қилган, аввало, Конституциямиздир.

Конституция фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бир-га, улар зиммасига турли бурч ҳамда масъулиятлар ҳам юклайди. Бурч дегани, аввало, Конституция-ни ўқиб-ўрганишдан бошланади. Бош қонуннинг маъно-мазмунини англамайдиган фуқаро жами-ятда ўз ҳаққини билмайдиган, ҳуқуқий онгсиз томошабинга ай-ланиб қолиши турган гап.

Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди

Мамлакатимизда ҳар йили эркимиз ва озодлигимиз рамзи — Конституция қабул қилинган кун — 8 декабр — умумхалқ байрами арафасида халқимизнинг турли соҳаларда ибрат кўрсатиб меҳнат қилган вакиллари Ватан мукофотларини топшириш яхши анъанага айланган.

Истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги байрами муноса-бати билан эл-юрт олдидаги улкан хизматлари, исло-ҳотларни чуқурлаштиришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаёт-даги фаол иштироки, миллий мафкура ғояларини рўбга чиқаришдаги фидойилиги, ватанпарварлиги, юртимиз-нинг халқро нуфузини янада ошириш ишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижодий, илмий фаоллиги, ҳалот меҳнати билан турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали хизмат қилиб келгани учун ҳамюртлари-миздан катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирлан-ган эди.

7 декабр куни Оқсарой қароргоҳида мазкур муко-фотларни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов нутқ сўзлади.

Бугун кўпмиллатли халқимиз ўзининг бунёдкор-лик ва яратувчилик меҳнати билан ўз ҳаётини янада обод ва фаровон этиш йўлида бутун дунё эътироф этаёт-ган юксак натижаларга эришмоқда. — деди Йўлбош-чимиз. — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик тарихи давомида қўйган қадамларимиз, амалга оширган ишлар-имиз тўғрисида юртимиз, шаҳар-қишлоқларимизнинг янги-чи чироғи очиб бораётгани, қўллаб қўллаб қўллаб иншоотлар ва қорхоналар, катта-катта қурилишлар, ра-вон йўллар барпо этилаётгани, энг муҳими, одамлари-мизнинг дунёқарши, меҳнатта муносабати тубдан ўзга-раётгани яққол кўзга ташланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республи-каси Президенти Исло Каримов 7 декабр куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Янги Муста-қил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди.

С.Сестанович Ўзбеки-стон-АҚШ ҳуқуқатлар-ро қўшма комиссияси-нинг АҚШ томонидан ҳамраисидир. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик-нинг тобора ривожланиб бораётганини унинг ҳам хиссаси бор. Унинг Ўзбекистонга набатдаги таширишга давлатларимиз ўртасидаги сиёсий масла-ҳатлашувларнинг давоми сифатида қараш мумкин.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро савло - иқтисодий ҳамкорлик ҳамда минтақа-вий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

АҚШ давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўй-ча махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович Ўзбекистонга та-шириш йўналишида бағишлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

— Ўзбекистонга қилган набатдаги ташириш кутилгани-дан ҳам самарали бўлди, — деди учрашувда С.Сестанович. — Ташириш доирасида Ўзбекистон Президенти Исло Каримов, ташқи ишлар вазири А.Комиллов ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказилди. Учрашувларда Ўзбекистон бил-дан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари билан боғлиқ қўллаб қўллаб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонга ташириш АҚШда янги ҳуқуқат тузиш жараё-ни кечаётган бир пайтга туғри келди. С.Сестанович янги ҳуқуқат ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш-га алоҳида эътибор беришга ишонч билдирди. Зеро, музо-караларда муҳокама қилинган масалалар бўйича икки мамла-кат қарашлари яққил экани яна бир қарра аён бўлди, деди меҳмон.

(ЎзА)

Президент Исло Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Авалло, барчангизни, бу-тун халқимизни бугунги кўн-дуг сана — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституцияси-нинг саккиз йиллик байра-ми билан чин қалбимдан самимий муборакбод эта-ман.

Мана шу фурсатдан фой-даланиб, руҳатингиз билан, Конституциямиз ҳақидаги баъзи бир фикр-мулоҳазала-рини билдирмоқчи эдим.

Қадри дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, Конститу-циямизнинг ҳаётимиз рив-ожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирини қўлга кундан кунга аҳамияти ортиб бо-раётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жа-мият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган эканмиз, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пе-шонга теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга ки-риштириб эзу оруз-ниятларимиз сари қадам қўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ — барчамиз учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминини ашаётган ва меҳ-нат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат то-

бора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

Бу ҳақиқат шундан ибор-атки, эришган ютуқларимиз-нинг, бугун кечаётган тинч ва осула ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг не-ғизда Конституциямиз бел-гилаб, муҳрлаб берган қону-нини яхши билмаймиз, уни синчиқлаб ўрганмаймиз. Ва-ҳоланки, агар Конституция-мизнинг моҳиятига кириб бора-сал, мағзини қақсақ, бугун олдимизда турган кўпга-на саволларга, муҳим муам-моларни ечишда жавоб то-пишимиз мумкин.

Бу фикрнинг тасдиғи та-риқасида бир мисол келти-рмоқчиман.

Шўро давридаги Ўзбеки-стон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан дав-лат манфаатларининг усту-нлиги қонулаштириб қўйил-

гани эди.

Бугунги Асосий Қонуни-мизда эса давлат ҳам, жа-мият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қи-лиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор та-моийил сифатида аниқ белги-лаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган исо-ҳотларни ана шу тамоийил неғизига олиб боришимиз ўзи-мизнинг энг муҳим мақса-дига қилиб қўйганмиз.

Агарки мана шу устувор тамоийил ҳаётимизда, ав-валомбор, давлат ҳодимлари, мансаб курсидаги ўтирган-ларнинг ҳаётида, онгида, амалий кундалик фаолияти-да ўз аксини топганида эди, шу принцип, шу тамоийил уларнинг қон-қонига, суяқ-суяғига сингиб кетганида эди, яъни ўзини мен ҳум-дор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган

одамларнинг хизматчиси-ман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Афсуски, Конституция-мизнинг қабул қилинганга 8 йил тўлаётган ҳозирги кун-да ҳам бу мақсадга эриши-шимиз оғир кечаётган, десак хато бўлмайди.

Энг ёмони, энг ачинарли томони шунки, ақсарият мансабда ўтирганлар ўз ва-зифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз бил-ан айтганда, ҳукмдорлик қилишда, деб билди.

Бу салбий ҳолат — бугун-ги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ёки мулкчилик, мулка муносабат масаласини олай-лик.

Ёски Конституцияга би-ноан ишлаб чиқариш воси-талари, жамики молдий бой-

ликлар давлат мулки ҳисоб-ланарди. Фуқароларнинг ҳу-сусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди. Бунинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келгани барчамизга маълум.

Шу даврни бугун эслайд-иган бўлсак, ҳар қайсимиз кечирган не-не қийинчилик-лар, аввало, одамларнинг, инсонларнинг қадр-қимма-ти тақдирлангани ва ҳўрлан-гани кўз ўнгимизга келади.

Демократик Ўзбекистон Конституциясида эса “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” экани, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муноса-батларига асослангани, унинг неғизини хилма-хил мулк шакллари ташкил эти-ши, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуққа эга экани-га қафолат берилди. Иш-билармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳарака-тига кенг йўл очиб берилди ва мулкдорлар табақасини вужудга келтириш тамоийи-лари ишлаб чиқилди.

Бу қонда Асосий Қонуни-мизнинг дунёвий тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қол-май, унинг узқонини қўзлаб, мукамал яратилишини ҳам исботлайди.

Эски Конституцияга би-ноан ишлаб чиқариш воси-талари, жамики молдий бой-

(Давоми 2-бетда).

Халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули

Ушбу кун диёримизда мустақил Ўзбекистон Рес-публикаси ҳаётидаги энг улур саналардан бири нишонла-напти. Бу — миллий дав-латчилигимизнинг, ҳақиқий мустақиллигимизнинг муста-ҳкам пойдевори бўлган Конституциямизнинг саккиз йиллигидир.

Бундан саккиз йил муқад-дам халқимизнинг кўп аср-лик тарихида буюк воқеа со-дир бўлди. Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Кенгаши-нинг ўн биринчи сессияси мамлакатимизнинг асосий қонуни — Конституцияни қабул қилди. 8 декабрни умумхалқ байрами куни деб белгилади.

Ўзбекистон Республика-сининг Конституцияси ундан аввал давлатимиз пар-

ламенти томонидан қабул қилинган Мустақиллик тўғрисидаги декларацияда ҳамда Ўзбекистон Респу-бликасининг Давлат мустақил-лиги асослари тўғрисидаги Қонунда мустақамланган асосий тамоийил ва ғоялар-ни ўзида акс эттирди ва уларни ривожлантирди.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши аниқ шу эзу мақ-садларнинг ҳуқуқий қафо-латидир. У мустақил ҳуқуқий йўлимизнинг ва миллий ҳуқуқларимиз тизи-мининг таянч пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов

таъкидлаганидек, ҳар қан-дай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Консти-туцияси ҳисобланади. У давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга та-нитганда Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қону-нимиз халқимизнинг ирода-сини, руҳиятини, ижтимоий

онги ва маданиятини акс эт-тирди. Чунки уни ишлаб чиқариш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маъно-да халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Тарихдан бизга маълумки, Ўзбекистон ҳудудига республи-

лика мустақилликка эриш-масдан олдин ҳам қатор Конституциялар қабул қилинган. Булар Туркистон Автоном Совет Социалис-тик Республикасининг 1918 ва 1920 йиллардаги, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Рес-публикаларининг 1920-1921 йиллардаги, Ўзбекистон

ССРнинг 1927, 1937, 1979 йилги Конституцияларидир. Мазкур Конституциялар-нинг ҳаммасида урлетари-ат диктатурасини пролетари-ат давлат органларини тузиш-га синфий ёндашиш ва оқибат натижа қилиб, мар-хум коммунизм қуриш асо-сий вазифа қилиб қўйилган эди.

(Давоми 3-бетда).

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна бўлиш имконияти жуда оз қолганлигини эслатамиз.

Халқимизнинг улкан торихий ютуғи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган НУТҚИ

Лекин яна бир бор шунга таъкидлашга мажбурман. Хусусий мулкнинг ривожланишига, аввало, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эгаларига кенг йўл очиб беришда, уларни нафақат миллий бойлик яратишда ва уни зиёда этишда, балки ҳар қайси оилани боқибда асосий манба, омил бўлишига, бизнинг мана шундай сиёсатимизни тушуниш, англаш ва амалга ошириш йўлида қанча-қанча тўсиқ ва фовлар, товламачилик ва порахўрлик иллатлари тўғаноқ бўлиб турганини барчамиз кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Бу ҳам бугунги ҳаётимизнинг яна бир аччиқ ҳақиқати.

Асосий Қомусимизнинг ҳаётини муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида яна бир мисол келтириш мумкин.

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида: "Конституция ому тазмининг сўзидан билан ўзгартиришнинг мақсади қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфизлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, irqий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъжовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний рўҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, маърифат жамиятлар ва уюшмалар тузиш тартибларини" деб қатъий қўриқилган.

Келинг, азиз дўстлар, ўзимизга яна бир фарз қилиб қўрайлик.

Бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган бундай ҳавф-хатарларнинг олдини олишда, шу каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймайлик қаратилган ушбу конституциявий нормаларни ўз вақтида қабул қилганимизда бугунги кунимизда қандай бало-қазоларга дучор бўлишимизни ҳар қайси ақли расо одам англаб етди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, эски мустабид тузумдан озод ва эркин ҳаёт сари ўтиш даврини бошимиздан кечирар эканмиз, шу ўта оғир ва мураккаб йўлда дуч келадиган тўсиқ ва синовларни енгиб ўтишда, барча муаммоларимизнинг кунунки ечимини топишда Конституцияимиз кундалик ҳаётимизда асосий ва мустақкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Қадри дўстлар!

Мана шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Бугун барчамизга яхши аёнки, жамият ҳаётини ўзгартириш, эски, бизга ҳалақат бераётган асоратлардан воз кечиш, олдимизда мақсад қилиб қўйган эркин, демократик тамойилларга асосланган ҳаётга эришиш бир-бири йилда бўладиган осон иш эмас. Бунга қўйиладиган ривожланган, тараққиёт йўлида фаровонликка эришган давлатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий тармоқ ва жаҳадларда илоҳотларнинг жорий қилиниши йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак.

Лекин, олдимизда турган барча ҳов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан курашга айланган куч — бу халқимизнинг ҳукуқий онини, таваққури тарбиялаш, ҳукуқий маданиятини ошириш, қалбида эркиндик

ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Бунга ҳеч қачон унутмаслигимиз, ў барчамиз учун ҳаётий бурчга айланиши лозим.

Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб дарслик, мактабларда дарслик тарихида ўқитишни, олий ўқув юрталарида ўқиниб бораётганларимизга ҳам таълим бериб бериш зарурлигини айтиш мумкин.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини тереан англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳ-иқтисод, керак бўлса, шу замида истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустақкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

Мен Конституцияга нисбатан "ҳимоя" сўзини бекорга ишлатмадим. Конституцияимиз қонун олдида ҳаммамизнинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулият билан бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз навбатида Конституциянинг ва у белгиллаб берган конституциявий тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса, шу йил ёзда Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари тоғларида қаҳрамонлик кўрсатиб шайхид кетган мард ўзлонларимиз каби, ўз жонини фидо этишга ҳам қодир бўлиши даркор.

Хурматли юртдошлар! Бундан роппа-роса бир йил муқаддас мана шу муҳташам залда, сизлар билан кенгашиб, 2000 йилни яхши янгилаб билан Соғлом авлод йили деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз — барчамизнинг танчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдирини ва келажакига дахлдор бўлган бу муҳим масалага масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

Ана шу эзу мақсадларга эришиш, бу соҳадаги ишларни қатъий режа асосида амалга ошириш учун мақсад Давлат дастури қабул қилинган эди.

Бундай улкан вазифалар ижросини таъминлаш учун

бир йил жуда қисқа муддат эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта. Лекин шунга қарамай, йил давомида давлат дастурида белгиланган олти йўналиш бўйича кўп-кўп ишлар амалга оширилганини, ёш авлод тарбиясида салмоқли ўзгартирилгани, рўй берганини эътироф этмоқ лозим.

Айниқса, дастурда белгиланган биринчи йўналиш — соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш даркор, деб ўйлайман.

Бугунги кунда "Оналик мактаби", "Тиббий ишлар асоси", "Балоғат даври" каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, "Оила кодекс" га биноан никоҳ қилишдан олдин ёшларни тиббий қўриқдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Хозирги пайтда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Нихоний қайд этиш бўлимлари қўшида ёшлар оила, унинг муқаддаслиги, унинг масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар туғрисида зарур маълумот ва сабоқ бераётган "Оила докторлари" очилган, қисқа вақт ичида уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик.

Дастурда кўзда тутилган иккинчи муҳим йўналиш — давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қилдириш ҳудудлари қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомилийк тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд кўриши ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий қўриқдан ўтказилиб, давонлинига муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ долларини миқдоридан муруват ёрдамнинг туғуқоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани ҳам соғлом зурриётини дунёга келтириш борасидаги муҳим кадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган "Она ва бола скрининги" тиббий марказлари ишлай бошлагани ҳам диққатга сазовордир.

Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440 минг АҚШ доллари сарфланди.

Соғлом авлод дастурининг бошқа йўналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатлигини мустақкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, тумга касалликларга дучор бўлган ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди.

Тошкент шаҳрида лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларида тенг бўлган "СОС-Ўзбекистон болалар махалласи"нинг бунёд этила бошлагани, унинг биринчи навбати қурилиши учун 2 миллион доллар маблағ сарфланиб, ишга туширилгани ҳам бу борадаги жиддий ютуқ бўлди.

Ҳаммагизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили илк бор мактаб оstonасига қадам қўйдиган 600 мингдан зиёд ўғил-қизларимизни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Жорий йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини, "Меҳрибонлик уйлари", мактаб-интернатлар ва ногирон болалар учун иттифослаштирилган ўқув масканлари тарбияланувчиларини 11 турдаги дарслик, ўқув анжумалари билан таъминлашга 2 миллиард 508 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, замонавий лицей ва коллежлар барпо этиш каби Қадрлар тайёрлаш дастури бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз ҳам соғлом авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Соғлом авлоднинг тарбиялаш жисмоний тарбия ва спортнинг нечоғли аҳамиятга эга экани ҳаммамизга аён. Талаба ёшлар ўртасида иккинчи бор ўтказилган "Алпомиш Уйилари", "Универсиада-2000" мусобақалари, маҳалла болалари футбол командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги, "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси томонидан ташкил қилинган теннис турнири каби қўлиб спорт тадбирлари ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустақкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Соғлом авлоднинг тарбиялаш воёга етказиш йўлида, эртани буюк келажакимизни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай эзу ва хайри ишларимиз ҳақида кўп гапиршимиз мумкин.

Лекин Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларини амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар тўғрисида кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласида бўлган муносабат тубдан ўзгартирилди.

Жондан азиз Ватанимизнинг тақдирини, келажакимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртошимиз тўбора тереан англаб бораётгани барча

мизни чексиз қувонтиради ва янги эзу ишларимизни давом эттиришга, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган, барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга даъват этади.

Қадри юртдошлар! Шу муносабат билан мен XXI асрнинг биринчи йилини, яъни кириб келаётган 2001 йилни мамлакатимизда оналар ва болалар йили деб эълон қилишни тақдир этмоқчиман.

Кириб келаётган янги йилнинг ҳар жиҳатдан хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид қилиб унга мана шундай ном беришимизнинг амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор.

Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчилиги бўлиши. Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга таъқул келди.

Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур.

Бу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирини, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор.

Янги йилда ҳам бошланган хайри ишларимизнинг давомини кўришимиз, яъни жамиятимизни, керак бўлса, ҳаётимизни соғломлаштириш борасида барча белгиланган лойиҳа ва режаларимизни рўбга чиқариш, охирига етказиш зарур. Бундай ишлар ҳали жуда кўп маблағ ва энг муҳими, жуда катта эътиборимизни талаб қилади.

Соҳада қилиб айтганда, бошланган ишларимиз ва ҳаракатларимиз ярим йўлда қолиб кетмаслиги керак.

Шу маънода жорий йилда бошланган оналар ва болалар мафазатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш лозим.

Шу муносабат билан илгарини ҳам тила олганда, олдимизда турган баъзи масала ва муаммоларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада биз аввало Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, унинг энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парвариллашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз, деб билишимиз керак.

Шунингдек, туғилган гўдакни дунёга келган кундан бошлаб тиббий назоратга олиш, уни турли касалликлар, соғлом ўсишига рахна соладиган салбий таъсирлардан асраш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш

ҳам ниҳоятда муҳимлиги ҳаммамизга аён.

Бунинг учун болани ривожланган давлатлардагидек, бир йил мобайнида доимий тиббий назорат қилиб бориш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни мунтазам амалга ошириш лозим.

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Фарзандларимизнинг онги шаклланидиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-болаларимиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгидан очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш барча ота-оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Айниқса, бошлангич синфларда ўқитган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга болаларимизнинг чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқишини уйғотиш зарур.

Бошқача айтганда, мана шу барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирини узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болани таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки, бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни она-онаси бағрида, ота-онаси паҳолида яшайдиган даврини тушунамиз.

Ҳеч шубҳасиз, оналар ва болалар йилида қўзлаган эзу ниятларимизни амалга ошириш учун ҳукуматимиз томонидан, шу масалага дахлдор бўлган барча мутаассадди ташкилот ва идоралар, авваломбор, кенг жамоатчилигимиз, турли нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармаларини ҳар савобли ишларга жалб этган ҳолда, амалий бир дастур ишлаб чиқиш мақсадаги мувофиқ бўлади.

Бу дастурни амалга оширишда бошқарув органлари, жойлардаги ҳокимликлар, идора ва муассасалар, барча ташкилотларнинг, бир сўз билан айтганда, бутун халқимизнинг фаол иштирокини кўзда тутиш даркор.

Ишонманки, Янги йилимизни мана шундай улғув ва хайрли оруз-ниятлар, қўлимиздан келганича савобли ишлар билан кутиб олаётганимиз, бу хайрли ишларга шу муқаддас замида яшаётган ҳар бир инсоннинг саяй-ҳаракатини жалб этишимиз йил давомида ўз мевасини, ўз самарасини беради, иншоолло.

Бу жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига оилани, оналаримиз, умр йўлдошларимиз, азиз фарзандларимизни янада қардлаш, уларни араб-авайлаш борасида жуда катта масъулият юклайди.

Ўз оиласи, ўғил-қизларининг қамоли, бахт-саодати учун меҳнат қилиш, уларни ҳимоялаш, ўйлайманки, ҳар бир эрак зотининг энг асосий ва муқаддас бурчидир.

Сўзимнинг охирида барчангизни яна бир бор Конституцияимиз байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этаман. Хонадонларингизга тинчлик-товушлик, файзу барака тилайман.

Ватанинг юксак мукофотлари топширилди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Минг-минглаб юртдошларимиз ўзининг фидоий меҳнати ва халққа хизмати билан, Ватанимиз раънақи, юртимиз тараққиёти, осмонимиз мусаффолиги учун курашиш йўлида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишда, унинг обрў-эътиборини юксалтириш борасида эл-юрт хурматига сазовор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунинг ифодаси бугунги кунда ҳаётимизнинг турли жаҳадларида — иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий соҳаларида бўладими, илму фан, ижод ва санъат дунёсида, ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлашда — барча-барчасида намоён бўлаётганини таъкидлади.

Юртбошимиз, эл-юрт эътибори ва она-Ватанимизнинг мукофотларига сазовор бўлганлар ҳақида гапирар экан, биз, аввало, ўз юксак хурмат-эҳтиромимизни мамлакатимизнинг пахтазору галзорлари бағрида она заминга меҳрини бериб, туну кун меҳнат қилаётган, дастурхонимиз тўқиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматқаш деҳқонларимизга қаратамиз ва уларнинг меҳнати олдида таъзим этимиз, деди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу йил яна шундай инсонларнинг муносиб вақилларидан бирварақай уч нафар уста пудратчи деҳқон давлатимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланганини мана шу буюк хурматимизнинг ёрқин далояти, десак, муболага бўлмайди.

Юксак мукофотларга сазовор бўлганлар сафида бетақдор истеъдоди, авлодларга қолдирган бой маънавий мероси билан ўзбек миллий маданиятини ривожига беқеъ ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан тараққиётига бағишлаган бир гуруҳ марҳум маданият намояндаларининг номлари борлиги авваламбор уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, муборак хотирасини ёл эгганимизнинг яққол намоёнидир, деди Ўзбoқчишим.

Ўзбек халқининг улғу фарзандлари — Гафур Ғулом, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби мумтоз адибларимиз, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммадов, Муҳиддин Қорнқубов, Юнус Ражабий, Абдор Ҳидоят, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Қомилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров сингари уста санъаткорларимизнинг "Буюк изматлари учун" ордени билан тақдирлангани халқимиз қалбида бу зотларга бўлган меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслигини исботидир.

Бугун Ватанинг олий мукофотларини ана шу азиз инсонларнинг авлодларига топширар эканман, тарихий адолат қарор топганидан, эл меҳри, юрт эътибори тўғрисида бу улғу ишқорларнинг руҳи шод бўлганидан, шундай савоб ишларга ҳиссам қўшилганидан ҳаммамизни қатъи мен ҳам беҳад қувонаман, деди Ислам Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари юртимиз тинчлиги, сарҳалларимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган қаҳрамон фарзандларимизнинг ота-оналарига яна бир бор хурмат билдириб, уларнинг номлари ва жасорати ҳеч қачон қалбимиздан ўчмаслигини алоҳида таъкидлади.

— Мукофотланганлар қалбда мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, тинч ва осонда ҳаётимизни кўз қорачиғиди асраш, мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, миллий ҳавфсизлигимизни таъминлашда шарафли ва масъулиятли ишда алоҳида ўрн қўрсатган Ватан посбонларининг борлиги халқимизнинг улғурага нисбатан чексиз ҳурмати белгиси сифатида қабул қилиниши керак.

Мен бугун мукофотланган юртдошларимиз сафидан ўрин олган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизда катта-катта ютуқларини қўлга киритаётган кекса-ю ёш ҳамоирларимизнинг қувончига шерик бўлишдан гоът мамнунман. Янги аср арафасида, муборак Рамазон ойида кўз юртимизимиздан, ҳар бирингизни бағримга босиб, мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганидан ўзим ҳам қалбимда чексиз фахр ва ифтихор туйғатман.

Мамлакатимиз раҳбари "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлган юртдошларимизни, турли мукофотларга муносиб қўрилган ёзувчи ва шонирларни, ўқитувчиларни, илм-фан, санъат ва маданият намояндаларини, лавзи ҳалол деҳқонларини, ишлаб чиқариш илгорларини, юрт тинчлиги ва сарҳалларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғиди асраётган Ватан посбонларини, серқўш улқа доврўнни бутун дунёга тараннум этаётган алп баҳодирларимизни муборакбод этди, уларга ижобий зафарлар ва қувончлар тилади.

Президент Ислам Каримов Бухоро вилояти Ёғдудов тумани С.Айний номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Ҳазрат Абдуқуллов, Хоразм вилояти Хива тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бош пудратчиси Бекдурд Жуманиёзов ва Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Б.Отакуллов номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Юрсинбой Жўраевага мамлакатимизнинг Олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони гувоҳномаси ва "Олтин юлдуз" медалларини топширди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўзининг шарафли меҳнати билан эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, маориф, спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан бир гуруҳга юксак унвонлар ва орден-медалларни ҳам тантанали равишда топширди.



Иззат

Гашт нималигини қариядан сўранг

Қариганда ёки меҳнат ласқатини йўқотганда ижтимоий ҳимоялашни ҳуқуқи мамлакатимиз асосий қонунининг 39-моддасида белгилаб қўйилган.

— Жумладан, бизнинг қасаба уюшмаси ўз вақтида тармоқ ривожига ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини, уруш иштирокчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватламоқда, — ҳикоя қилади Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитасининг раиси Бахтиёр Аҳмедов.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бундай хайри ишлар аънава тусини олган. Шу йилнинг ўзига кекса металлургия деярли 750 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, совсаломлар улашилди.

Тармоқни ривожлантиришга ҳисса қўшган кишилар доимо эъзозла. Ҳозирхон Холиқов, Елена Овчинникова, Мария Зитанина сингари кекса муҳассислар билан суҳбатлашган қўғимда уларнинг гайрат-шижоатини, қўнқоқ сешлар ва ёрдамчи хужалиқлардаги жўшқин меҳнатларини яққол ҳис қиламан.

Ўз олувчи: Жўрбек МУРОДОВ, «Жалқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳўш, мустақил Ўзбекистон Конституцияси улардан нимаси билан фарқ қилади? Аввало, у ҳақиқатан ҳам, демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбаши қадриятлари ўзида мўжассам этган ҳужжатдир. Биринчи моддасидан то охириги моддасигача мустақиллик гоёси билан йўғрилгандир.

Конституцияимизнинг асосий мезонлари, уни тавсифловчи жиҳатлар қуйидагилардан иборат: биричидан, унда мустақамлаб қўйилган гоё ва нормалар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш эҳтиёжлари ва истиқболларига мувофиқдир.

Эр юзида инсоният пайдо бўлибдики, эркинликка, овоз яшашга, ўзининг табиий ҳуқуқларига эга бўлишга интиқиб яшган. XX асрга келиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бутун инсоният тараққиёт йўлини англаш манбаи бўлиб қолди, десак муболага бўлмайдик. Бу борада 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини тилга олишимиз керак.

Инсонларнинг фуқаролик ва сўбсий ҳуқуқлари билан боғлиқ умум эътироф этган бундай қондаларга дунёдаги эркин, демокра-

Халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули

тик жамият барпо этиш ниятида бўлган ҳар бир давлат ҳурмат билан қарайди. Шунинг учун ҳам, фахр билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг деярли барча қондаларини ўзида акс эттирган.

Конституцияимизда энг олий қадрият сифатида асосий эътибор давлат ва ижтимоий тузумга эмас, балки инсон манфаатларига қаратилган. Унинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланганлиги, уларга қўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадриятлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинибгина қолмасдан, шу модданинг ўзида демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ҳам мустақамланган.

Асосий Қонуннинг муқаддима-сидан тортиб, яқунловчи қондаларига қадар инсон тўғрисида, унинг фаровонлиги тўғрисида ғам-хўрлик ифода этилган. Ҳар қандай давлат органининг, ҳар қандай мансабдор шахнинг фаолияти инсон манфаатларига бўйсундирилиши керак. Бу борада Конституциянинг асосий қондалари муаллифи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш жуда ўринли: «... Бу Консти-

туция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига қўра янги ҳужжатдир, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамияти дунёвий неъматлар оқсидан энг улуту — инсон деган фикрни илгари сурди ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидан ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интиқидик».

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қадриятларнинг устуналик мавқеи «шаҳс-жамият-давлат» тартибидан белгиланган бўлиб, бунда эркин, оғли, мустақил шаҳс — фуқаролик жамиятининг таркибий қисми; фуқаролик жамияти — мустақил уюшган халқ — ҳокимиятнинг чинакам манбаи ва ифодаловчиси; суверен, демократик, ҳуқуқий давлат — шаҳс ва жамият манфаатлари ҳамда ҳуқуқларининг ҳимоячиси.

Шу тарзда, Конституция фуқаро, жамият ва давлат ўртасидан ўзида ҳос ижтимоий шартнома вазифасини ўтайди ва устуворлик инсонга тегишли бўлиб, унинг манфаатлари ижтимоий тараққиёт эътишининг мақсади ва асоси эканлигини очик-ойдин белгилайди.

Қўриб турганимиздек, Конституцияда шаҳсга, инсон ҳуқуқларига Ўзбекистон тараққиётининг асоси сифатида қаралади. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унинг улкан табиий ва техник имкониятлари, мустақамлашиб бораётган халқаро алоқалари демок-

ратик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоэ этиш учун босқичма-босқич барча шарт-шароитлар яратилажатига ишонч уйғотлади.

Инсон ҳуқуқларини, унинг барча жиҳатларини қамраб олган ҳолда идрок этиш ва шаҳсни хуррамлаш бизнинг миллий-маънавий меросимизнинг асосийларидан биридир. Умуман, ҳамма вақт ҳам жамият тараққиётда маънавият мўҳим ўрин тутган. Бунга тарихий манбалардан қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, буюк соҳибқирон Амир Темур давлат қуришга ва уни бошқаришда уч асосга таянган. Шулардан бири-маънавиятнинг энг асосий белгиси ва таркибий қисми — адолатдир. Амир Темурнинг «Куч — адолатдир» деган шiori Шарқу-Ғарбда машҳур бўлиб, қўлгина халқлар маънавиятининг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Шарқда мўҳим ахлоқий-ҳуқуқий манба ҳисобланган «Қобунома» асарида Қуръон ва ҳадислардан, шариат ва фикҳ илмидан хабардор, адолатли ва одоли бўлиш лозимлиги таъкидланади. Юқоридаги барча манбалар халқимиз маънавияти даражасини кўрсатувчи белгилардир.

Халқимизнинг тарихий-маънавий дурдоналарига янада чуқуқроқ эътибор берилгани бўлса, уларнинг қўлда одамларни жиноят қилмасликка, бировнинг ҳақини эмасликка, ёлгон гапир-

масликка чақирилади. Масалан, муқаддас Қуръон Каримнинг «Мулк» сураси 1-ва 2-оятларида бу ёруғ дунё бандлар синов-имтиҳондан ўтагани диёр эканлиги ўқитилиб, одамлар ҳалол ва одил ҳаёт кечиршига чақирилади. Нафсининг зарари тўғрисида, амалдорларнинг вазифаси ер юзида адолат ўрнатилган иборат эканлиги ҳақда фикр юритилади. «Агар амалдорлар ҳавон нафта берилсалар, кучиларга жабр ўтказсалар, — дейилади бу муқаддас китобда, — ер юзида фасол, адолатсизлик пайдо бўлади».

Маънавий юксак, маданияти бой инсон ҳеч бир вақт қонунни бузишга интиқмайди. Билъақе, уни ҳурмат қилади. Инсонларнинг маънавий даражаси юқори бўлган тақдирдагина, улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва унинг инсоният учун адолатли ҳаёт кечирилишини ягона қафолати эканлигини чуқур идрок этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бош мақсади бўлган ҳуқуқий демократик ва адолатли жамиятни қуриш юксак ҳуқуқий маънавиятни, юқори савиядаги маънавиятни амалда шакллантириш эҳтиёжидир. Чунки маънавият билан ҳуқуқ бир-бирини суяб, тўлдириб мувофиқлашиб боради. Ҳуқуқий давлатда маънавий иш мустақам бўлса, адолат ғалаба қилади. Маънавият ва ҳуқуқ уйғунлиги вужудга келгандагина адолатли демократик давлат қуриш ҳақида сўз юритиш мумкин.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мўжассамлашган ақли-идроки самарасидир. У суверен республиканинг тобора ривожланиб боришида асосий Қонуннинг юксак ролга тамомла мос келади. Бу нарсга мамлакатимиз ривож-жи сари ўз амалий тақдирини топмоқда. Конституция жамиятида халқ манфаатлари йўлида ислохотларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асосларни вужудга келтирди. У инсон ҳуқуқларини, барқарорлиқни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечирилишини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни қафоллаб келмоқда.

Мустақиллик йилларида 100 дан ортиқ инсон ҳуқуқларига доир қонун ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси инсон турмуши ва фаолияти учун муносиб шарт-шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, пировард натижада миллат ва ватан раънақини таъминламоқда.

Ўзбекистон Конституцияси — мустақиллик кўзуси, ўзбек халқи қадриятининг олий ҳуқуқий шакли сифатида ҳаёт синовидадан ўтмоқда. Том маънода ҳаётимизнинг Асосий қонун сифатида инсон манфаатлари учун хизмат қиладиган ҳужжат вазифасини бажармоқда. Доимо унга амал қилишга интиқилиш ватанпарварликдан далолат беради. Чунки унда ватан, халқ ва миллат манфаатлари ифода этилган.

Баҳодир ЭШОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси.

Жасоратли фарзандлар тақдирланиши

Конституция кўни арафасида республика Ички ишлар вазирлигида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашдаги катта хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган бир қатор ички ишлар идоралари ходим-ларига мукофотлари топириши маросими бўлиб ўтди.

Республика ички ишлар вазирлиги генерал полковниги Зокиржон Атаматов мукофотларни топириш экан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими халқимизнинг оёқсиз турмушини таъминлашда муқаддас бурчини ўзларига шараф деб ҳисоблашини ва ҳар қандай шартда фуқароларни ҳаётидаги мукофотларининг удрасидан қилмига қодир эканлигини алоҳида ишонч билан қайд этди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Жиззах вилоятларида бўлишиб, юртимиз таъминини таъминлаш йўлида жасоратли ишларни беришга мукофотларни уларнинг ота-оналарига топиришди.

Жойларда бўлиб ўтган мукофотларни топириш маросимларида хизмат ўтаётган пайтда ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига катта миқдорда моддий ёрдам ва бошқа эҳдилик совғалари берилди.

Шухрат РЎЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази ходими.



Коллаж муаллифи: Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ.

Advertisement for Uzdunrovita cellular. Features a large image of a classical building with columns. Text includes: 'AZIZ vatandoshlar!', 'Uzdunrovita' uяли алоқа қўшма корхонаси сизларни умумхалқ байрами - Конституция куни билан табриклаш шарафига эга! Бу тантанали кунда сизларга тинчлик, омонлик, бахт, омад ва файзу барака тилаймиз!', 'UZDUNROVITA cellular', 'DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN'. Includes a list of cities: 'Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ', 'Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилинган Кўни УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ Тўғрисида', 'Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңа-ши қарор қилди', 'Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилинган Кўни УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН Кўн - 8 декабрь умуумхалқ байрами - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилинган Кўни УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ Тўғрисида', 'Ўзбекистон Республикасининг Президентини И.КАРИМОВ', 'Тошкент шаҳри, 1992 йил 8 декабрь', 'UZDUNROVITA cellular', 'DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN'.

